



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДИВИДЕНТ СИЁСАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ



Алиев Ф.М.,

Банк-молия академияси тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларида дивидент сиёсатини такомиллашириши орқали банк операцияларини ривожлантириш, ижтимоий ва иқтисодий шароитларга доимий мослашиши, кредитлаш фаолияти учун янги стратегия ва воситаларни ишлаб чиқиши, банкларнинг кредит рискларини самарали бошқарши, муаммоли кредитларни камайтириши орқали банклар дивидент сиёсатини ривожлантириш каби бир қанча омилларга bogliқligi келтириб ўтилган. Шунингдек, бугунги кунда тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини таъминлашнинг долзарблиги шубҳасиздир, чунки мамлакат бутун молия тизимининг муваффақиятли ишилаши унга bogliқligi банкларда молиявий қарорлар қабул қилиши ва муаммоли кредитларни камайтиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиши бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: дивидент, диведент сиёсати, муаммоли кредитлар, банк фаолияти, банкларнинг кредитлаш фаолияти, молиявий қарорлар, молиявий активлар, дебиторлик, кредиторлик, номолиявий активлар, реал активлар, пул маблаглари, банкнинг молиявий стратегияси, банкнинг молиявий хавфсизлиги, стратегик бошқарув.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы развития банковских операций коммерческих банков за счёт совершенствования дивидендной политики, постоянной адаптации к социальным и экономическим условиям, разработки новых стратегий и инструментов для кредитной деятельности, эффективного управления кредитными рисками банков, а также развития дивидендной политики через снижение объема проблемных кредитов. Также подчеркивается актуальность обеспечения кредитной деятельности коммерческих банков на сегодняшний день, поскольку успешное функционирование всей финансовой системы страны зависит от этого. В статье приведены авторские подходы и предложения по решению существующих проблем в принятии финансовых решений и снижении проблемных кредитов в банках.

Ключевые слова: дивиденд, дивидендная политика, проблемные кредиты, банковская деятельность, кредитная деятельность банков, финансовые решения, финансовые активы, дебиторская задолженность, кредиторская задолженность, нефинансовые активы, реальные активы, денежные средства, финансовая стратегия банка, финансовая безопасность банка, стратегическое управление.

Abstract: This article explores the development of banking operations in commercial banks through the improvement of dividend policy, continuous adaptation to social and economic

conditions, development of new strategies and tools for lending activities, effective management of banks' credit risks, and enhancement of dividend policy by reducing the volume of non-performing loans. It also emphasizes the relevance of ensuring lending activity in commercial banks today, as the successful functioning of the entire financial system of the country depends on it. The article presents the author's approaches and proposals for addressing existing problems in financial decision-making and reducing problem loans in banks.

Keywords: dividend, dividend policy, non-performing loans, banking activity, banks' lending operations, financial decisions, financial assets, accounts receivable, accounts payable, non-financial assets, real assets, cash funds, financial strategy of the bank, financial security of the bank, strategic management.

Кириш

Инвестисиялар молиявий фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, тажрибали трейдерларнинг ҳам, янги бошловчи инвесторларнинг ҳам эътиборини жалб этади. Шу нуқтаи назардан, “дивиденлар” атамасини тушуниш молиявий саводхонликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Дивиденлар банк акциядорларига фойда тўлаш шакли бўлиб, молиявий бозорлар фаолиятида муҳим рол ўйнайди.

Шундай қилиб, иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида тижорат банклари ўзларининг дивидент сиёсатини фаол ривожлантирмоқдалар, бу эса иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва жамият фаровонлигини оширишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май куни қабул қилинган “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонида, “банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимили муаммолар” мавжудлиги кўрсатиб ўтилди [1].

Хусусан, дивиденлар – бу банк фойдасининг ўз акциядорларига тўлайдиган улуши. Улар банкнинг капиталидаги улушлари асосида акциядорлар ўртасида тақсимланадиган маблағ. Дивиденлар - бу банкнинг акцияларига инвестиция киритганликлари учун инвесторларни мукофотлаш усули ҳисобланади.

Дивиденлар инвестор портфелининг даромадлилигини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Дивиденларни тўлаш механизмлари ва уларнинг аҳамиятини тушуниш инвесторларга кўпроқ асослантирилган қарорлар қабул қилишда ва молиявий бозорларда муваффақиятли стратегияларни ишлаб чиқишида ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тижорат банкларида дивиденлар билан боғлиқ операциялар, дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни такомиллаштириш масалалари бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Дивиденлар ва дивиденд сиёсатига оид адабиётлар таҳдилини ўтказиши натижасида тури тадқиқотларда мазкур масаланинг алоҳида жиҳатлари кўриб ўтилган. Иқтисодчи олимлар М. Миллер ва Ф.

Модиляни томонидан яратилган дивидендерлар иррелевантлиги назариясига кўра, “Дивиденд сиёсати акциялар баҳосига ёки унинг акциядорлик капиталининг қийматига таъсир қилмайди” [2].

Назария муаллифлари мукаммал бозор шароитида инвесторлар фақат умумий даромадлиликдан манфаатдор бўлади, унинг алоҳида шаклларидан эмас деб ҳисоблайдилар. М. Гордон [3] ва Ж. Линтнер [3] ўз асарларида “Дивидендерлар тўлаш (коэффициенти) ошгани сайин, акциядорлик капиталининг қиймати (даромадлилиги) камайиб боради, чунки капитал қийматининг ошиши шаклида даромад олиш дивидендерлар шаклида даромаддан кўра рискка кўпроқ тортилади” деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, ҳар қандай дивиденд сиёсати банкнинг қийматига ва унинг эгалари фаровонлигига таъсир қилмасдан бир хил натижаларга олиб келади.

Р. Лиценбергер ва К. Рамасвами томонидан илгари сурилган назарияга мувофиқ, “Акциядорлар учун дивиденд даромадлари эмас, балки капитализация қилинган даромадлар устувор аҳамиятга эга, бунга эса капитализация қилинган даромадлар олинган дивидендерларга қараганда камроқ миқдорда солиққа тортилиши ҳисобланади” [4].

С. Росс ва С. Бхаттачарнинг сигнал назариясига кўра, “Дивиденд сиёсати орқали бошқарув инвесторларга банкнинг ҳолати тўғрисида сигнал беради, агентлик назариясида эса М. Женсен ва У. Меклинг турли бошқарув гуруҳлари, банк акциядорлари ва кредиторлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари дивиденд сиёсати орқали бўлишини ифодалайдилар [5].

Дивиденд сиёсатини аниқлаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб қарз ва унинг сифати ҳисобланади. Агар банк очиқ бозорда оммавий равишда қарз олишга киришса, у ҳолда Й. Федорова ва И. Лукасевичга кўра “Миллий банкларда дивиденд олиш мақсадида улар фаолиятига инвестиция киритиш оммавийлашмоқда” [6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим С. Элмирзаев томонидан дивидендерлар иқтисодий моҳияти, оқилона дивиденд сиёсати орқали акциядорлик жамиятлари эришиш мумкин бўлган натижалар, дивидендерлар таҳлили масалалари атрофлича тадқиқ қилинган [7]. Н. Шерқўзиева эса ўз мақоласида акциядорлик жамиятлари молиявий бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ролини тадқиқ қилиб, дивиденд сиёсати бўйича асосий назариялар, дивиденд сиёсати принциплари, дивидендерларни эълон қилиш ва тўлаш тартиби кабилар миллий ва халқаро тажриба асосида атрофлича ўрганилган [8]. Бошқа бир иқтисодчи олим А. Темиров эса Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан танланган дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишига бир қатор омиллар гуруҳлари таъсир қилишини таъкидлаган [9].

Дивиденд сиёсатидаги сезиларли ўзгаришларга қарамасдан, у кўп тадқиқотлар ва муносабатларнинг обьекти бўлиб қолмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, айни кунда мамлакатимиз тижорат банкларидағи дивиденд сиёсати билан боғлиқ ҳолатларда ҳам номи келтирилган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишлар долзарблигини кузатишсимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-хуқуқий хужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг

мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзууни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Дивиденд тўлаш механизми одатда компаниянинг молиявий ҳолатига ва унинг ривожланиши стратегиясига боғлиқ. Дивидендернинг иккита асосий тури мавжуд: нақд пул қўринишидаги дивидендерлар ва акциялар қўринишидаги дивидендерлар.

1. Нақд пул қўринишидаги дивидендерлар: компания нақд дивиденд тўлашга қарор қабул қилганда, у маълум миқдорни акциядорлар ҳисобига ўтказади. Бу мунтазам равишда (чораклик, йиллик) содир бўлиши ёки эмитентнинг тегишли органи маҳсус қарори натижаси бўлиши мумкин.

2. Акциялар қўринишидаги дивидендерлар: компания акциядорларга нақд пул ўрнига янги акцияларни ҳам таклиф қилиши мумкин. Ушбу дивиденд тўлаш усули баъзан компания ўз пул захираларини сақлаб қолмоқчи бўлган молиявий қийинчиликлар даврида қўлланилади.

Даромаднинг барқарорлиги: дивидендерлар инвесторларга молиявий бозорлардаги ўзгарувчанлик шаронтида ҳам барқарор ва мунтазам даромад келтириши мумкин.

Капиталнинг ўсиши: мунтазам равишда дивидендерлар тўлайдиган компаниялар кўпинча барқарор ва ишончли ҳисобланади. Инвесторлар капитал ўсишига хисса кўшиши мумкин бўлган бундай компанияларга сармоя киритишни афзал кўрадилар.

Молиявий мустаҳкамлик белгиси: юкори ва барқарор дивидендерлар компаниянинг молиявий кучи ва муваффакиятини кўрсатиши мумкин. Бу инвестиция танлашда муҳим омил бўла олади.


1-расм. Инвестициялардаги дивидендерлар моҳиятининг муҳим жиҳатлари¹

Юқорида келтирилган 1-расм маълумотларига кўра, дивидендерлар инвесторларни жалб қилиш ва уларнинг портфелини яратишда катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир молиявий йил охирида банк йиллик ҳисобот ишлаб чиқиши керак. Агар иш натижасида тақсимланмаган фойда қолса, у жамиятни жамғариш, ривожлантириш ёки акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилиши мумкин. Охирги ҳолатда дивидендерлар ҳисоблаб чиқилади, шундан сўнг улар компания иштирокчиларига ўтказилади. Юридик шахсни ташкил этишда барча таъсисчилар

¹ Муаллиф ишланмаси.

ўз маблағларини ёки мулкларини устав капиталига киритадилар. Ушбу ҳаракат асосида компаниянинг маълум бир улуши шакланади. Ушбу улушга мувофиқ тўловлар ҳисоблаб чиқилади.



2-расм. Акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш хусусиятлари²

Мамлакатимизда «Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизmlарини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабргача Ўзбекистон резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялардан олган дивидендлари даромад солигидан озод қилинди. Норезидент юридик шахсларнинг акциялар бўйича дивидендлари учун фойда солиғининг 5 фоиз ставкаси татбиқ этилди. Резидент ва норезидент жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича даромадлари даромад солиги ва фойда солигидан озод қилинди.

Тижорат банклари амалиётида дивиденд сиёсати банкнинг соф фойдасини тақсимлаш орқали ташкил этилган. Шундай бўлсада, тижорат банкларининг деярли кўпида дивиденд тўловлари йилик инфляция даражасидан паст тўланганлиги инвесторларни қониқтирумайди албатта. Бунинг оқибатида, тижорат банклари капиталининг ўсиш даражаси бугунги кун талабига мос эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш учун илғор хорижий тажриба асосида тижорат банкларидағи дивиденд сиёсати ролини ошириш долзарб ва амалий аҳамиятдаги масала бўлиб, шу нуқтаи назардан банклар бу масалага жиддий эътибор қаратишлари талаб этилади. Ҳар бир акция учун тўланадиган дивиденд миқдори айнан инвесторларни қизиқтирадиган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки акцияларнинг харидоргирилиги банклар томонидан юритилаётган оқилона дивиденд сиёсати орқали белгиланади. Устав капиталини ошириб бориш учун банкнинг акцияларини қимматли қоғозлар бозорида жойлаштириш ва бунинг учун биринчи навбатда, акцияларга чет эл ва маҳаллий инвесторларни қизиқтириш зарур.

² Муаллиф ишланмаси.

1-жадвал

Банк бухгалтерия бўлими учун дивидендерни ҳисоблаб ёзиш тартиби³

Мулкчилик шакли	Акционерлик жамиятлари	Масъулияти чекланган жамиятлар	Хусусий корхоналар
Дивиденд солиғи ставкаси	10%	10%	Дивиденд солиғи мавжуд эмас
Олувчилар	Акционерларга дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акционерларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акционерлари реестрида қайд қилинган акционерлар.	Жамият иштирокчилари	Хусусий корхона мулқдори
Дивидендала р тўлаш тўғрисида қарор	Акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендер тўлашнинг бошланиш ва тугаш саналари кўрсатилиши керак.	Қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.	Қарор хусусий корхона мулқори томонидан қабул қилинади
Тўлов тартиби	Дивидендер жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соғ фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендер жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фонdlари ҳисобидан ҳам	Умумий йиғилиш қарорига биноан жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланга	Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулқорининг тасарруфига ўтади ҳамда

³ <https://www.norma.uz/uz/>.

	тўланиши мумкин.	н қисми уларнинг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланад и.	унга солиқ солинмайди.
--	------------------	--	------------------------

Тижорат банклари томонидан акциянинг ҳар бир тури бўйича дивиденд тўлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида қарор Банк кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хуносаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивиденд миқдори унинг Банкнинг кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдоридан кўп бўлмайди.

Банк жойлаштирилган акциялар бўйича молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра ва (ёки) молиявий йил якунига кўра дивиденд тўлашга ҳақли ҳисобланади. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи якунларига кўра дивиденд тўлаш тўғрисида қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

Банкнинг дивиденд сиёсати – тўланадиган дивиденд миқдорини аниқлашда Банк ва унинг акциядорлари манфаати уйғуналигига эришиш, Банкнинг инвестицион жозибадорлиги, молиявий барқарорлиги, капиталлашуви ва ликвидилигини ошириш, устав капитали даромадлигини таъминлашга, шунингдек акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш ва улар ҳаётининг фаровонлигини оширишга йўналтирилган фаолият.

Банкнинг дивиденд сиёсати Банкнинг бозор қийматини максимал ошириш мақсадида Банк фойдасининг ишлатиладиган ва капиталлаштириладиган қисмлари мутаносиблигини оптималлаштиришга қаратилган фойдани бошқаришга оид умумий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларида дивиденд сиёсати иқтисодий аҳамиятта эга бўлган бир қанча муҳим аспектларни ўз ичига олади. Ушбу сиёсат банкнинг молиявий барқарорлигини, ривожланишини ва инвесторлар билан муносабатларини белгилайди.

1. Дивидендерни тарқатиш, банкнинг фаолият самарадорлиги ва молиявий ҳолатини кўрсатади. Молиявий муваффақиятли бўлган банклар одатда юқори дивидендерни тақдим этадилар. Дивиденд сиёсати инвесторларнинг қизиқишини

шакллантиради. Олий даражадаги дивидендерлар инвесторларни жалб қилиш ва уларни банк акцияларига инвестиция қўйишга рағбатлантиради.

2. Банклар дивидендерларни қайтариш орқали ўз капиталини қайта ишлаш имкониятига эга бўладилар, бу эса уларнинг ривожланиши учун зарур бўлган маблағларнинг янги манбаларига олиб келади. Дивиденд сиёсати риски бошқаришда муҳим рол ўйнайди. Банклари ўз фаолиятида мос равища дивидендаштириш орқали кам рискли активларга инвестиция қилишлари мумкин.

3. Тижорат банклари юқори дивиденд сиёсатига эга бўлганда, улар қўпинча иқтисодий ўсишни рағбатлантирадилар, чунки улар тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун қўпроқ маблағ олишади. Шу сабабли, тижорат банкларида дивиденд сиёсати иқтисодиётнинг турли соҳаларига таъсир қўрсатади ва уларнинг самародорлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май куни қабул қилинган “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.

2. Miller, M. H., Rock, K. Dividend Policy under Asymmetric Information // The Journal of Finance. Vol. 40. – No 4. – P. 1031–1051.

3. Gordon, M. J. Optimal investment and financing policy // The Journal of Finance. –Vol. 18. – No 2. – P. 264–272.

4. Lepetit, L., Meslier, C., Strobel, F., Wardhana, L. (2018). Bank dividends, agency costs and shareholder and creditor rights. // International Review of Financial Analysis. Volume 56. – P. 93–111

5. Miller, M. H., Rock, K. (1985) Dividend Policy under Asymmetric Information // The Journal of Finance. Vol. 40. – No4. – P. 1031–1051.

6. Федорова Е. А., Лукасевич И. Я. Теории дивидендной политики и их развитие на примере Российского рынка // Финансы и кредит № 19 (595). – 2014. – С. 2.

7. Elmizayev S. E. Dividend siyosati tashkiliy xususiyatlari va takomillashtirish masalalari. // Xalqaro moliya va hisob. No2, 2016.

8. Sherqo'ziyeva N. Aksiyadorlik jamiyatlar moliyaviy boshqaruv tizimida dividend siyosatining o'rni. // Xalqaro moliya va hisob. No3, 2019.

9. Temirov A.A. Dividendlar va dividend siyosati. O'quv qo'llanma. – T.: Innovatsion rivojlanish matbaa-nashriyot uyi, 2021. – 160 b.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

